



ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА — ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг кенгайтирилган хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш соҳада амалга оширилган ишлар таҳлили ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга бағишланди.

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони вакиллари, ҳуқуқат аъзолари, шунингдек, МХХ марказий аппарати ва ҳудудий тузилмаларининг раҳбар ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда алоҳида таъкидландики, ҳамма замонда ҳар қандай давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўлган ва шундай бўлиб қолади. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан миллий хавфсизлик масалалари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Халқро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси, наркотик моддалар ва курул-яроғ воситаларининг ноқонуний савдоси каби трансмиллий таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда ушбу вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўтган даврда Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон суверенитетини, мустақиллигини ва ҳудудий ахлиқлигини сақлаш ҳамда ҳимоя қилиш ишларига салмоқли ҳисса қўшгани қайд этилди.

Бу, айниқса, бизнинг яқин ва узоқ ён-атрофимизда рўй берган турли инқирозлар, айрим бузғунчи кучлар томонидан мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга уринишлар содир этилган жуда оғир йилларда яққол намойиш бўлди.

Шу билан бирга, йиғилишда Миллий хавфсизлик хизматининг фаолияти ҳолис баҳолаган ҳолда, унинг айрим бўлиmlарлари ва ҳудудий бошқармалари фаолияти танқид қилинди. Идораларро ҳамкорлик, теъзор ва қидирув тадбирларини ўтказиш, шунингдек, кадрлар билан ишлаш борасида йўл қўйлаётган камчиликлар аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Миллий хавфсизлик хизматининг таркибий тузилишини қайта қўриб чиқиш кераклигини таъкидлади. Махсус хизмат доирасига кирмайдиган вазифалар билан шуғулланадиган, бошқа давлат тузилмалари фаолиятини тақроқлайдиган бўлиmlарини тугатиш, айна вақтда миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини таъминлайдиган бўлиmlарини мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон тараққийотининг Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган кенг қўламли вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг барча соҳалари давр талаби асосида тубдан ислоҳ этилаётган янги шароитда Миллий хавфсизлик хизматининг яқин келажакка мўлжалланган устувор вазифалари белгилаб олинди.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига ариза, шикоят ва тақлифлар билан муружаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўйбга чиқариш юзасидан барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мувофиқ муружаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими яратилди. Мазкур тизимнинг асоси бўлган Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари бевосита давлат раҳбарига муружаат қилиш, халқ билан домий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келатган муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди. Президент Виртуал қабулхонасига ўтган қисқа даврда 1 миллион 600 мингдан ортиқ муружаат келиб тушгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бу, бир томондан, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига бўлган ишончи тобора ошиб бораётганидан далолат бўлса, иккинчи томондан, жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш даражаси юксалиб бораётгани, одамлар яратилган имконият ва қўлайликлардан ўз қўлларини ҳаётда тўғри ва мақсадли фойдалана олаётганини кўрсатмоқда.

Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, ахборот ва коммуникация технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб

бораётган бугунги шиддатли даврда кўзланган мақсадларга эришиш йўлида илм-фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш аҳолига янги ва қўшимча қўлайликларни яратиш имконини беради. Шу маънода, ўтган даврда муружаатлар билан ишлаш тизимида тўлланган катта тажриба ва ўтказилган чуқур таҳлиллар, фуқароларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда Виртуал қабулхона дастурий тизimini янада такомиллаштириш устида иш олиб борилди. Бинобарин, 2017 йил 11 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисида»ги қонунида ҳам муружаатчилар учун қўшимча қўлайликлар яратиш кўзда тутилган эди.

Шулар асосида Президент Виртуал қабулхонаси дастурий тизimini янги талқини ишлаб чиқишда 1 февраль куни тест режимида ишга туширилди. Сайт манзили ўзгармаган — pm.gov.uz. Бунда «ртп» қисқартмаси — «Президентга муружаат» тарзида талқин қилинади.

Муружаат юбориш шакли ҳам ўзгармаган: муружаатларни 0-800-210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига кўнгироқ қилиш, rp.gov.uz манзилидаги махсус муружаат шаклини тўлдириш орқали ёхуд Халқ қабулхоналарига ташриф буюриб юбориш мумкин.

Виртуал қабулхонанинг такомиллаштирилган талқинида жорий қилинган асосий янгиликлар эса кўйидагилардан иборат.

ФУҚАРО ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАДА ЎЗ ШАХСИЙ КАБИНЕТИНИ ОЧИШИ МУМКИН
Президент Виртуал қабулхонасининг янги талқинида муружаатчи

ўз хоҳишига кўра, шахсий кабинет очиши мумкин. Бунинг учун жисмоний шахс рўйхатдан ўтиш жараёнида фуқаролик паспортида кўрсатилган шахсий идентификация рақамини ҳам киритиши керак. Бу — муружаат қилувчи учун идентификациялаш (электрон гувоҳнома) имконияти бўлиб, катта қўлайлик яратади.

«Фуқароларнинг шахсий кабинети» модулидан кўзланган мақсад — фуқароларга Виртуал қабулхона тизимида ишлашда максимал қўлайлик яратиш, муайян шахснинг муружаати билан боғлиқ барча ёзиmlарини бир жойда жамлашдан иборат.

Виртуал қабулхона тизимида фуқаролар киритган маълумотларда (исм-фамилия, тутилган йили, яшаш манзили ва ҳоказо) турли хатоликлар учраб турарди. Натияжада, дейлик, айна бир шахс юборган бир нечта муружаатлар тарихини ўзаро боғлиқликда ўрганишда қийинчиликларга дуч келинарди. Муружаатчи билиб-билмай ўзи ҳақидаги маълумотларни киритишда хатога йўл қўйса, тизимда бунинг аниқлаш механизми мавжуд эмас эди.

Шу пайтгача ҳар бир муружаатчи топилш учун унинг рақами, муружаатчининг тўлиқ исм-шарифи, манзили, мобил телефон рақамини базага киритиб излаш керак эди. Муружаатчи учун ўзининг барча муружаатлари ҳаракатини бир жойда кўришни иложи йўқ эди. Муружаатчилар эса бир масаладаги турли муружаатлари ва уларга йўлланган жавобларни, одатда, қозғога чиқиб этилган ҳолатда сақлайди. Буларнинг барчаси муружаатчилар учун ҳам, муружаатлар билан ишлашда ҳам ноқўлайлик, ортиқча вақт ва куч сарфлашни тақозо қилиб келатган эди. Шу пайтгача муружаатчилар

янги муружаат юборишда персонал маълумотларни тақроқрон киритиши лозим эди. Энди муружаатчи ўз шахсий кабинетига кириб, персонал маълумотларини бир марта киритса, бўлди — кейинги барча амалларни бажаришда шу маълумотлар тизимга автоматик юкланиб бораверади. Муружаат юбориш учун ҳар сафар персонал маълумотларни янгидан киритишга зарурат қолмайди.

Ўз навбатида ариза, шикоят ва тақлифларнинг фуқаролар шахсий паспорт маълумотлари билан тасдиқланиши муружаатчилар шахсий аниқлаш ишончилигини таъминлайди. Шахсий кабинет орқали шахснинг давлат органлари билан бўлиб ўтган барча ёзиmlарини (барча муружаатлар ва жавоб хатлари) бир жойда, қўлай тартибда жамланади ва керакли муружаат жавобини излаб топиш осонлашади.

КўП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАРГА БАТАФСИЛ ЖАВОБЛАР

Виртуал қабулхонада «Кўп бериладиган саволлар» бўлими ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад муружаатчи ўзини қизиқтирган саволга расмий муружаат қилмасдан ҳам жавоб олиш имкониятини яратишдан иборат.

Таҳлиллар фуқароларимиз томонидан муайян соҳа ёки мавзу юзасидан умумий ҳаётдаги ҳуқуқий ахборот ва ҳуқуқий масала ҳақида олиш учун ҳам муружаат юбориш ҳолатлари кўп эканини кўрсатмоқда. Улар керакли маълумотни олиш учун маълум қўламли кутишига тўғри келган, давлат органлари эса айна бир мазмундаги жавоб талаб қилувчи кўп сонли муружаатларга алоҳида жавоб юборишга мажбур бўлаётган эди.

➤ Давоми 2-бетда.

ЖАМИЯТИМИЗДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнида прокуратура органлари томонидан қилинаётган ишлар ва улар олдига турган вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари прокуратура органлари олдида турган устувор вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Прокуратура органлари ходимлари ислохотларни самарали амалга оширишда ўзларининг бор салоҳияти, билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарурлиги таъкидланди. Қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг амалий ижросини сўзсиз таъминлаш прокуратуранинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланмоғи лозим.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори фаровон ҳаётимиз асоси бўлган тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳорижий инвесторларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритиши учун шароитлар яратиш прокуратура

органлари томонидан қафолатланиши зарурлигига қаратилди.

Прокурорларнинг секторлар раҳбари сифатидаги фаолиятида энг муҳим вазифаларидан бири одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш мақсадида ҳудудларни ривожлантиришга қўмаклашишдир.

Давлат бошқарувини халқимиз маънафатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш прокуратура органларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев йиғилишни якунлар экан, прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрн қўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Президентнинг Давлат маслаҳатчиси лавозимига ишлаб келатган Отабек Муродов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.

ЎЗА



ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: «МЕНДА ТАҚЛИФ БОРИ!»

Сизда қандай тақлиф бор?

Бугун мамлакатимизда улур ниятлар билан амалга оширилаётган тарихий ислохотлар халқимизни чинакамига тўқинлантирмоқда, мамнун этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида олиб борилаётган бу ишлар тараққийотимизни тезлаштириб, янги босқичга олиб чиқмоқда. Ўзбекистондаги бундай очик, шаффоф сиёсатни, бағрикенгликни, инсонни улуғлаш бўйича қиёси йўқ ислохотларни ҳорижий давлат раҳбарлари, арбоблари ҳам эътироф этмоқда.

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилинган 2018 йилда қабул қилинган Давлат дастурида марра янада баланд олинди, ўткир муаммолар

ечимига, халқимиз манфаатига хизмат қиладиган улкан вазифалар аниқ белгилаб берилди. Бугун улар ижросига гайрат-шижоат билан киришилди.

Аммо ислохотларга тўсиқ бўлаётган, кўпчилигимизни ташвишга солаётган камчилик ва муаммолар бор, албатта. Ҳам у юрти, халқи, келажagini ўйлаган киши уларга бефарқ қаради олмаслиги табиий. Барчамиз бирдек жон қойтсак, менинг меҳнатим, тақлифларим Ватаним учун зарур, деган туйғу билан яшасак, камчилик ва хатолар барҳам топаяди, ташаббуслар кўпаяди, ислохотлар самараси, қудрати ошади.

«Менда тақлиф бор!» деб номланган янги руқн ҳам ушбу фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб ташкил этилмоқда. Бошқача айтганда, биз барча ҳамюртларимизга, газетхонларимизга муружаат қилмоқчимиз:

1. Катта орзу-ҳаваслар, эзгу ниятлар билан амалга оширилаётган ислохотларга нималар тўсиқ бўлмоқда? Уларни бартараф этиш бўйича қандай тақлифларингиз бор?

2. Ислохотларни муваффақиятли амага ошириш, янада тезлаштириш учун нима қилмоқ керак, деб ўйлайсиз?

Бу саволларга мутахассислар, олимларимиз, академикларимиз, партияимиз фаоллари, барча даражадаги депутатларимиз ва сенаторлардан, газетхонлардан тақлиф кутамиз.

Албатта, тақлифлар асосли, етти ўлчаб, бир кесилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Сизнинг тақлифларингиз соҳалар ривожига, мамлакатимиз тараққийотига, халқимиз ҳаёти фаровонлигига хизмат қилади. Тақлиф айтиш билан

бугунги ислохотларда фаол қатнашган, ўз фуқаролик бурчимизга садоқатимизни намойиш этган бўламиз. Тақлифлар газетамизда эълон қилиб борилади. Йил охирида энг яхши тақлифлар муаллифлари газетамизда эълон қилинади ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Марҳамат, Сизда қандай тақлиф бор?

Изоҳ: Тақлифлар муаллифининг исм-шарифи, иш жойи, лавозими ва телефон рақамлари албатта кўрсатилиши керак.

Бизнинг манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон почта: info@uzbekistonovozi.uz


Факс: (+99871) 233-65-45

Муружаат учун телефонлар: (+99871) 233-81-97, 233-79-14, 233-06-83.

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

Мактабгача таълим муассасалари

чинакам тарбия маскани, фарзандларимиз келажига учун ҳар томонлама мақбул ва ишончли даргоҳга айланади



ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

унда жисмоний ва юридик шахслар учун бир қатор янги қулайлик ва имкониятлар тақдим этилмоқда

Шу муносабат билан фуқаролар мурожаатларини тахлил қилиш натижасида кўп берилган саволлар аниқлаб олиниб, уларнинг жавоблари оддий ва тушунарли тилда ифодаланиб, махсус бўлимда жамланди. Бунда уй-жой, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик ва банк фаолияти, ишлаб чиқариш, сертификатлаш ва лицензиялаш, ветеринария хизматлари, солиқлар ва жарималар, ахборот технологиялари ва коммуникациялари, транспортга оид ва ҳуқуқий масалалар, таълим, фан ва маданият, меҳнат ва аҳоли бандлиги, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа турли масалаларига оид саволларга жавоблар мавжуд. Керакли саволга жавобни калит сўзлар ёрдамида излаб топиш имконияти ҳам яратилган.

Махсус статистика модули орқали қайси саволларнинг жавоби энг кўп ўқилганини тахлил қилиш мумкин. Энг кўп танишдирилган мавзунинг автоматик равишда юқори поғонага кўтарилиб бораверади.

ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ОНЛАЙН РЕЖИМДА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАХАТ ОЛИШ МУМКИН

Виртуал қабулхонанинг янги дастурий тизимида фуқароларга қулай бўлган шаклда турли муаммо ва масалалар бўйича маҳаллий юридик ёрдам берилишини таъминловчи «Онлайн маслаҳатчи» модули яратилди. Бу модуль «Кўп бериладиган саволлар» бўлими билан ҳаммаҳалликда ишлайди.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Бунда турли тармоқлар ва фаолият соҳалари бўйича маслаҳатчи сифатида жалб этилган маҳаллий мутахассислар жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериб бориши ва мазкур хизмат шу йил 15 февралдан бошлаб тест режимида ишга туширилиши кўзда тутилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мурожаатларнинг тахлили қисмини ҳуқуқий ахборот ёки маълумот олиш мақсадида юборилган мурожаатлар ташкил этади. Фуқаролар ҳаётда учрайдиган турли-туман масалаларда ҳуқуқий маслаҳат олиш учун ҳам Виртуал қабулхонага мурожаат қилар ва мурожаат қилиб чиқилиб, жавоби мурожаатчига етиб борушига аниқгина вақт талаб қилинар эди.

«Онлайн маслаҳатчи» хизмати Виртуал қабулхона орқали савол юбориб, онлайн режимида юридик маълумотга эга бўлган мутахассислардан тезкор ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятини тақдим этмоқда. Эндиликда у ёки бу масала бўйича ҳуқуқий ахборот олиш учун бир неча кун жавоб хати келишини кутиш зарурати қолмайди. Бу, ўз навбатида, порталда рўйхатга олинаётган, фақат ҳуқуқий маълумот олиш назарда тутилган мурожаатлар сони қисқаришига, давлат органларида бошқа турдаги мурожаатлар билан ишлаш сифати ошишига хизмат қилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий маълумот олишига бўлган эҳтиёжлари тезкор равишда таъминланишига эришилади. «Онлайн маслаҳатчи» модули орқали кўп бериладиган саволлар мунтазам тахлил қилиниб, шу асосда «Кўп бериладиган саволлар» бўлими тўлдириб борилади.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ОРҚАЛИ ҲАМ МУРОЖААТ ЙўЛЛАШ МУМКИН

«Вазирлик ва идоралар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ва уларга мурожаат юбориш» модули жорий қилинди. Бу билан pm.gov.uz манзилида барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ягона базада жойлаштирилди. Яъни давлат органлари раҳбарларининг фуқаролар қабулига доир маълумотлар — қабул кунлари, вақти, тегишли телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, давлат органининг манзили ҳақидаги маълумот бир жойда жамланди.

Айрим ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар ўзларини қизиқтирган масала учун қайси давлат органи масъул экани борасида етарли билимга эга бўлмайди. Шу боис мазкур модульда алоҳида «Функция ва вазифалар» бўлими ташкил этилиб, давлат органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ функция ва вазифалари тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш имконияти яратилди.

Ҳозир турли бўғиндаги раҳбарларнинг виртуал қабулхоналарига мурожаат йўллаш шакллари турлича бўлиб, уларнинг расмий веб-сайтларида бу ҳақда эълон қилинган. Бироқ уларни излаб топишда ноқулайликлар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фуқароларга портал базасида ўз мурожаатларини бевоқиф таъиниш давлат органларига юбориш имкониятини тақдим этиш мақсадида давлат органлари раҳбарларининг шахсий виртуал қабулхонасига мурожаат йўллаш шакллари бир жойга жамланди.

Этиборли жиҳати шундаки, бундай йўсинда йўлланган мурожаатлар билан ишлаш жараёни ҳам доимий равишда назорат қилиб борилади.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ҲАҚИДАГИ БАРЧА МАЪЛУМОТ БИЛАН ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ҲАМ ТАНИШИШ МУМКИН

«Халқ қабулхоналари манзиллари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Барча Халқ қабулхоналарининг манзили, телефон рақамлари, электрон почтаси, геолокация маълумотлари ва бошқа фойдаланар материаллар қулай тартибда тақдим этилмоқда. Фуқаролар ва тадбиркорлар керакли Халқ қабулхонаси тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон интерактив харитаси орқали топиши мумкин. Алоҳида олинган Халқ қабулхонасининг жойлашган манзили онлайн харитада ёки сунъий йўлдошдан суратга олинган харита режимида кўрсатилади.

МАҲАЛЛАНГИЗНИ КўРСАТИНГ ВА МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ҲИССА КўШИНГ

Виртуал қабулхонанинг янги талқинида фуқаро мурожаат юбориш жараёнида ўзи истикомат қилаётган маҳаллани ҳам кўрсатиб ўтиши учун имконият яратилди. Бу муаммога ечим топиш даражасини янада оширади. Шу йўл билан мурожаатда кўтарилган муаммо муайян ҳудуддаги қайси секторга тааллуқли экани аниқланади. Айни пайтда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ҳудуддаги қандай муаммолар мавжуд эканини «онлайн» тахлил қилиш, уларни комплекс ҳал этиш учун яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган аниқ

чора-тадбирлар, «йўл хари-та»лари ишлаб чиқиш имкониятлари кенгайди.

ТАЪКИБ БўЛСА, ТЕЗКОР ҲАБАР БЕРИШ МУМКИН

Виртуал қабулхонадаги яна бир янгилик — мурожаатларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида «Таъкиб ҳақида хабар» модули жорий қилинган бўлди. Агар қимда-ким ариза ёки шикоят билан мурожаат қилгани туфайли таъкибга учрайдиган бўлса, бу ҳақда махсус тўлма орқали тезкор хабар бериши мумкин. Бундай хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини халқ этган ҳолда устувор ва тезкор равишда кўриб чиқилади.

МУРОЖААТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Энди порталда фуқаролар ўз мурожаатини юборишдан аввал мурожаат юбориш қоидалари билан танишгани ва бу борада қонунда белгиланган масъулияти тўғрисида хабардор эканини тасдиқловчи белги қўяди. Бу мурожаатчиларнинг ҳам масъулиятини оширишга, мурожаат маданиятини юксалтиришга туртки беради.

Шу пайтга қадар айрим мурожаатчилар томонидан мурожаат юбориш жараёнида бошқа шахсларга тегишли бўлган ёки умуман мавжуд бўлмаган телефон рақамини кўрсатиш, бошқа фуқаролар номидан мурожаат юбориш ҳолатлари учраб турарди. Ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш муайян вақт ва ресурсларни талаб қилишини, аниқ мақсадсиз мурожаат учун сарфланган вақтни бошқа асосли ариза ёки шикоят устида ишлашга йўналтирган ҳолда муаммони ҳал қилиш фуқаролар учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам ҳар томонлама фойдаланар эканидан келиб чиқиб, янги тизимда мобил телефон рақамини тасдиқлаш механизми жорий этилди.

Бунда мурожаатчи махсус мурожаат шаклига ўз мобил телефон рақамини киритади. Шундан кейин мурожаатчининг мобил телефони бир марталик пароль СМС-хабар шаклида юборилади. Натижада ҳам мурожаат аниқлиги ва ишончилиги ортади, ҳам мобил телефон рақами тасдиқланади. Бу барча давлат органларининг виртуал қабулхоналари фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

Шу пайтгача фуқаролар ва тадбиркорлар ўз мурожаатлари кўриб чиқилишининг жорий ҳолатини исталган вақтда базага махсус рақамни киритиш йўли билан текшириб кўриш имкониятидан фойдаланиб келаётган эди. Янги талқиндаги тизимда мурожаатнинг қабул қилингани ва назоратдан ечилгани тўғрисида тасдиқланган мобил телефон рақамини СМС-хабарнома юборилиши йўлга қўйилмоқда.

ЯНГИЛИКЛАРДАН ҲАБАРДОР БўЛИБ БОРИНГ

Виртуал қабулхонанинг янги талқинида давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти, ижобий ҳал этилган масалалар, Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари тўғрисидаги янгиликлар билан янада кенгрок танишиш имконияти яратилди. Порталга келиб тушган ва кўриб чиқилган мурожаатларнинг умумий сонини, статистик маълумотларни реал вақт режимида кузатиш имконияти мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, Виртуал қабулхонанинг янги талқини жисмоний ва юридик шахсларга самарали ахборот, интерактив хизматларни тақдим этиш билан бирга, фуқароларнинг давлат органлари билан ҳамкорлик механизmlарини фойдаланиш имконияти «кўп қулайлиги» даражаси бўйичаги хизмат қилади.

УЗА

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Янги қўмита аъзолари

асосан ҳудудларда ишлайди



Самтор РАҲМАТОВ, Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни чуқур тахлил қилиб, уларни бартараф этиш ишларининг самарадорлигига эришиш, одамлар тиббий хизматдан рози бўлиши учун тизимни мутлақо ўзгартириш, парламент ва депутатлар назоратининг янги механизмини жорий этиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Соҳадаги ислохотлардан аҳоли бохабар бўлиши ва бунинг натижасини албатта сезиши керак.

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий-техник воситаларнинг етишмаслиги, улар маҳаллий кадрлар билан таъминланмагани, биноларнинг талабга жавоб бермаслиги каби бир қатор муаммолар борлиги қаттиқ танқид остига олинди. Қонунчилик палатасида ана шу муаммоларни жойларда ҳал этишига хизмат

« Янги қўмита фуқароларни ўйлантираётган масалалар юзасидан бевосита ҳудудларда фаолият юритиб, тиббиётни аҳолига яқинлаштириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаши керак. Ҳозир биз шунга ҳаракат қилаёмиз.

қиладиган алоҳида қўмита ташкил этиш мақсада мувофиқ экани таъкидланди.

Жорий йилнинг 4 январь куни бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида депутатлар Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасини тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва янги қўмита тузилди.

Тиббий хизмат кўрсатиши, дори воситалари таъминотини яхшилаш, ушбу соҳадаги қўмичликни тақомиллаштириш ҳамда амалиётга самарали татбиқ этиш, шунингдек, мазкур соҳада парламент ва депутатлар назоратини амалга ошириш қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Шу асосда жорий йил учун иш режаси тасдиқланди.

Унга қўра, қўмита соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш йўналишидаги ислохотлар самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатиши кўзда тутилган. Соҳага оид депутатлик, парламент ва жамоатчилик назоратининг бугунги ҳолати ҳамда натижалари танқидий тахлил этилади. Шу билан бирга, янги қўмита фуқароларни ўйлантираётган масалалар юзасидан бевосита ҳудудларда фаолият юритиб, тиббиётни аҳолига яқинлаштириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаши керак. Ҳозир биз шунга ҳаракат қилаёмиз.

Қўмитаданги фракцияимиз аъзолари партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатиши лозим. Хусусан, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати, ҚВПларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар билан таъминланганлик даражаси, дори-хоналар фаолияти каби масалалар замирида партия электратли манфаати турганини унутмаслигимиз керак.

Депутатларнинг сўрови — халқ

сўрови

айрим мутасаддилар бу ҳақиқатни тушуниб етиши қийин бўляпти



Абдулҳамид НУРМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Сийёсий партиянинг асосий кучи маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларидир. Улар фаолиятини кучайтириш ҳудудлардаги ижтимоий масалаларни комплекс ўрганиш ва ҳал этиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳамда бюджетдан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаати билан бевосита боғлиқ.

Қонунчилигимизда депутат муайян масалада мутасадди ташкилотларга сўров юбориш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатиш, аниқланган масалани халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш учун таклиф киритиш ва бошқа ҳуқуқларга эга экани

белгиланган. Тўғри, берилган ҳуқуқ ва ваколатлар кенг, лекин улардан самарали фойдаланиш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки бу фақат депутат фаолиги ёки партия ташкилотининг интилишига боғлиқ эмас.

Мисол учун, депутат қандайдир масала юзасидан назорат ўрнатди, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганди, дейлик. Шундан сўнг муаммога бевосита алоқадор ва масъул бўлган тегишли ташкилотларга сўров юборади. Бу билан албатта масала ҳал бўлиб қолмайди. Сўров юбориш натижасида масала босқичма-босқич ҳал бўлса қошқиди, мутасадди ташкилот раҳбарининг депутат юборган сўровга жавоби устидан ҳам депутатлик назоратини ўрнатиш талаб этилади. Бу ўзинг юборган сўровнинг ортидан ўзинг югуриб юравер, дейиш билан баробар.

Ҳалигача айрим мутасадди ташкилотлар депутат сўровига вақтида жавоб бермаёпти. Жавоб берган тақдирда ҳам, бўлди, депутатнинг сўровига жавоби бердик, масала ечилди қабилида иш кўрилмоқда. Менимча, бу борада керакли тушунтириш-тарғибот тадбирларини ташкил этиб бориш мақсада мувофиқ бўлади.

Ҳудудий дастурлар ижросини сессияларда муҳокама қилиш бўйича партия гуруҳларининг ташаббуслари айрим жойларда безъатибор қолдириляпти. Бу эса партия гуруҳларининг ижтимоий масалаларни ҳал қилишдаги иштироки ва депутатлик назорати кучайишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Демак, аввало, маҳаллий ижро ҳокимияти тузилмалари ва мутасадди раҳбарларнинг депутатлар олдиданги масъулиятини ошириш лозим. Депутатларнинг қонуний сўровларига лоқайд муносабатда бўлган мансабдорларга нисбатан албатта қонуний чоралар кўриш керак.

Айни кунларда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашида

партияимиздан сайланган 13, шахар ва туман Кенгашларида эса 148 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Айтиш кераки, ҳокимият вакиллик органларидаги депутатларимиз партияимиз дастурий мақсадлари ҳамда вазифаларини амалга оширишда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишмоқда.

Масалан, 2017 йилда халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашидаги партияимиз депутатлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 705 та депутатлик сўрови билан чиқишган. Натижада юборилган сўровларнинг 512 тасига ижобий жавоб олинди, электрон манфаатларига дахлдор катта-кичик муаммоларни жойларда ҳал этишга эришилди. Қолган масалалар депутатларимизнинг назоратида.

Мисол учун, Андижон шаҳридаги «X-OYGUL» масъулияти чекланган жамияти бир неча бор мурожаат қилишига қарама-қарши табиий газ тармоғига уланмаган. Натижада ушбу муаммо тадбиркор кўл-оёғига кишан бўлиб, у ўз фаолиятини бошлай олмаётган эди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ушбу масалани атрофлича ўрганиб, «Водий-газтаъминот» унитар корхонаси Андижон шаҳар филиали раҳбари номидан депутатлик сўрови киритди. Ушбу масала қатъий назоратга олинди. Бугунга келиб корхона газ тармоғига уланди ҳамда ўз фаолиятини бошлади. Энг асосийси, биргина шу муаммонинг ҳал этилиши 173 янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Аҳолининг муаммоларини ўрганишда жойларда ташкил этилаётган сайёр қабуллар муҳим аҳамият касб этмоқда. Олтинкўл туманидаги қабуллар давомида тумандаги 14-умумтаълим мактаби ҳолати, у ердаги таълим-тарбия сифати ўрганилди. Натижада мактабнинг информатика хонасида бирорта компьютер йўқлиги аниқланди.

Тасаввур қилинг, мактабда компьютер бўлмаса, ўқувчи информатсион технологияларни, компьютер саводхонлигини қаердан ўрганади? Партияимиз гуруҳи томонидан депутатлик сўрови тайёрланиб, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғига юборилди. Биз киритган сўровга ҳадеганда жавоб бўлавермади. Шундан сўнг ўзимиз юборган сўровнинг ижроси бўйича депутатлик назоратини ўрнатдик ва орадан икки ой ўтгач, мактабнинг информатика хонаси янги компьютерлар билан жиҳозланди.

Андижон шаҳрининг «Пахтакор» маҳалласи, «Мевазор», «Пахтакор» ҳамда А.Олджашев номи кўчаларини истиқомат қилувчи фуқароларнинг мурожаати Андижон шаҳар Кенгаши депутати И.Аминов томонидан ўрганиб чиқилди. Маҳалла аҳолиси кўчанинг ўзбошимчилик билан тўсиб олингани сабабли 2 километр масофа ўрнига ўн километр дўн қўроқ йўлни айланиб ўтишига тўғри келган. Тегишли ташкилот раҳбарларининг ушбу масалага берадқлиги одамларнинг йиллар давомида қийналишига сабаб бўлган. Ушбу ҳолат юзасидан депутат Андижон шаҳар ҳокими номига сўров юборди.

Ҳокимият вакиллари тезда ҳолатни ўрганиб чиқди. Ҳақиқатда кўча ноқонуний равишда тўсиб олингани аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди. Кўчанинг очирилишидан тез тиббий ёрдам, ёнгина қарши курашиш хизмати ходимлари ҳамда шахсий транспорт воситалари эгалари ҳам миннатдор бўдилар. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аммо афсуски, айрим раҳбарлар депутат халқнинг вакили экани, у кўпчилигининг манфаатини ўйлаб мурожаат қилишини тушуна олмаётганлар. Натижада юборилган сўровларда кўтарилган муаммолар ҳал этилмасдан, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда, бу


вазифасини бажаришга ҳаракат қилаётган депутатларнинг обрўси фаоллик таъсир этмоқда. Ушбу масалада қонунчиликда йўл-йўриқлар белгилаб берилган бўлсада, депутатларимиз улардан фойдаланишга шошмаётганлар. Масалан, қонунга мувофиқ, депутатлик сўровига белгиланган муддат ва тартибда жавоб бермаган мансабдор шахсни депутатлик гуруҳи ёки доимий комиссия йиғилишида ҳам муҳокама қилиш мумкин, лекин амалиётда ушбу тартиб негандир қўлланилмаяпти.

Президентимиз «Депутатга беписандлик — халққа беписандлик деб баҳолашни шарт. Халқни хурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўқсинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдидан жавоб беради», деган эди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисига Мурожаатномасида ҳам ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларининг роли ва ваколатини кучайтириш масаласи ҳақида гапириб, ҳозирги кунда маҳаллий ҳокимликлар айни пайтда ҳам ижро этувчи, ҳам вакиллик органи раҳбари ҳисобланиши, яъни Кенгашларга ҳам ўзлари раҳбарлик қилиши, бу ўз навбатида уларнинг фаолиятини самарали назорат қилишга тўқсинлик қилаётгани таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилга мўлжалланган Давлат дастурида халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ижро этувчи органлар фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириши кучайтириш билан боғлиқ вазифалар белгиланди.

Мурожаатнинг катта-кичиги бўлмайди, келиб чиқиш сабаби топилса, ҳар қандай муаммога албатта ечим топилди. Фақат астойдил ҳаракат ва масъулият бўлса, бас. Айни шу масъулиятни англаш эса ўзимизга боғлиқ.

МУНОСАБАТ



Абу Муъин Насафийнинг хилхонаси.



Абдулла Орипов мактаби ўқувчилари.

Қашқадарёликлар қалби

эзгулик, яратиш ва орзу умидга тўла

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кун кеча жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан ақиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлганида, барча туманларни ривожлантиришга оид ўнлаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, қимматли маслаҳатлар берди.

Экспортбоп экинлар экиш, асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш имкониятлари ҳақида тақлифлар билдирди. Урмон ҳўжаликлари, лалми ерларда коврак, анзур рўян сингари шўфобахш ўсимликларни ўстириш юзасидан ҳам тавсиялар берилди. Умуман, Қашқадарё вилоятининг салоҳиятини янада ошириш борасида аниқ йўналишлар, вазифалар белгилаб олинди.

Хаётимизга «Фаол тадбиркорлик», деган ибора чамқок сингари кириб келди. Ана шундай серғайрат, тинмай олган интилаётган тадбиркор Анзур Нормуродов ўтган йили Қашқадарё соҳилидаги янги сайилгоҳ яқинида қўш қаватли, замонавий дорихона бунёд этди. Энг сифатли ва нархи чамқайдиган дори-дармонлар шу жойда сотилмоқда. Тагин ўзи туғилиб ўсган Яққабоб туманида, фақат фойда ҳисобидан «Дармон шарбат» — меваларни қайта ишлаш корхонасини ишга туширди. Австриядан келтирилган замонавий ускуналар ҳар соатда 2 тонна мева ва сабзавотни қайта ишлаш, шарбат тайёрлай олар экан. Ҳозир 15 киши меҳнат қилапти.

Тадбиркор Ортак Аҳмедов анча йил илгари картон қутилар тайёрлаш кичик корхонасига асос солган эди. У бош майдон четида қурилган қўшқаватли бинони 906 миллион сўм кредит эвазига сотиб олиб, 30 бола тарбияланадиган боғчага айлантирди. Машгулотлар инглиз тилида олиб борилади. Давлатимиз раҳбари янги боғча шароитидан мамнун бўлиб, мудирга янги машина совға қилди. Шу ернинг ўзиде мутасаддилар олдига хусусий мактабга тарбия муассасаларини кўпайтириш, 2021 йилгача вилоятдаги болаларнинг 80 фоизини қамраб олиш вазифаси қўйилди.

Бош майдон марказидаги XVI асрда қурилган Коба обидаси энди ўзининг иккинчи умрини бошлади. Бино таъмирланиб, мақом марказига айлантирилди. Шу жойда Президентимиз туризм ва бошқа соҳаларга оид ўнлаб лойиҳалар билан танишди. Масалан, вилоятда тоза ичимлик суви билан таъминлаш 53 фоиз, Дехқонобод туманида 2 фоиз экан. Агар тумандаги Оқшўлоқ заминидан қудуқ қазиб сув олинса, таъминот 63 фоизга кўтариларди. Раҳбаримиз бу ва бошқа масалаларни ечиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Мен ҳам Президентимизнинг фикрларини тингладим, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Элмурод Боймуродов. — У киши мумтоз мақом санъатимизни ривожлантириш ҳақида гапирди. Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан Амир Темур ҳайкали қаршида алоҳида сахна бунёд қилинади ва ҳар икки йилда мақом халқаро анжумани ўтказилади бўлди. Мен раҳбаримизга нафақага чиқсам-да, ҳозир туман маданият саройида 30 нафар ёш истеъдодни бирлаштирган «Бахтли болалар» мақомчилар ансамблига раҳбарлик қилаётганим, шогирдларимнинг ютуқлари ҳақида гапириб бердим...

Шу кун Чироқчи тумани ҳокимлигининг катта мақомчилар залида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди, — дейди ҲХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов. — Очиғи, шундай муҳим масала

лар ўртага ташландики, жон кулогимиз билан тингладик. Президентимиз яқинда Қозоғистонда юртдошларимиз фожияли ҳалок бўлгани ҳақида куйиниб гапирди. «Халқимизга муносиб ҳаёт тарзини яратиш бериш лозим», деди. Айниқса, раҳбарлар олдига бу борада катта вазифалар қўйилди. Шунингдек, янги иш ўринлари яратин, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Видео алоқа орқали бу йиғилиш барча туманларга узатилди. Натижада жойлардан вакиллар ҳал бўлиши қийин бўлган муаммо ва масалаларни кўтаришди. Умуман, халқимизнинг яшши ҳаёт кечирishi ва вилоят тараққиётига дахлдор кўлаб вазифалар ва йўналишлар белгилаб олинди.

Чироқчи мустақиллик йилларида биринчи бор Давлат раҳбари ташриф буюриши, — дейди Чувилқок қишлоғида яшовчи фермер Аҳишор Чоршанбиев. — Ахир энг улкан туман, аҳолиси кўп, саноат секин ривожланиаяпти. Айтадиган гапларимиз йиғилиб қолганди. Президентимизга ана шулар ҳақида гапириб, улкан орзумиз — янги темир йўл қурилиш кўп йиллардан бўён пайсалга солинаётганини айтдим. Раҳбаримиз дарров тегишли мутасаддиларга кўрсатма берди. Дехқонга айтимайми? Мен мамлакатимиз раҳбари ташрифидан Чироқчида ҳам улкан ўзгаришлар бўлишига ишонаман...

Қашқадарё вилоятида мамлакатда энг кўп — 406-407 минг тонна пахта эйтиштирилса-да, толани қайта ишлаш корхоналари кам. Президентимиз ўтган йилнинг февраль ойида вилоятга ташриф буюриганида бошқа соҳалар қатори воҳида текстиль саноатини ривожлантириш юзасидан тақлифларини, тавсияларини айтган, бир қанча янги корхоналар лойиҳалари билан танишган эди. Шулардан энг йириги — Қарши туманида хитойлик сармоядорлар томонидан қурилган «AT textile internation» корхонасидир. Мен бу корхонани бориб кўргандим. Ходимлар бўлими бошлиғи, хитой тилида эркин гаплаша оладиган Зафаржон Набиев корхона фаолияти билан таништирганди. Бу ерда 200 ўрилли ётоқхона бор. Жами 700 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари 29 январь кун Қарши туманидаги ана шу хорижий корхона фаолияти билан танишди. Бу корхонанинг иккинчи навбати 2019 йилда ишга тушади ва яна 650-700 киши ишли бўларди. Бундай истиқболли корхоналар Фузор, Миришкор ва бошқа туманларда ҳам бунёд этилади, минглаб янги иш ўринлари яратиларди.

Қарши туманининг Қовчин қишлоғида бундан 1000 йил бурун яшаб ўтган етук аллома Абу Муъин Насафийнинг хилхонаси бор. Ҳазрат Абу Мансур Мотуридий таълимотини ёйган бул зотнинг кўлаб асарлари араб тилида. Мамлакатимиз раҳбари Насафий ҳазратларининг абадий маконини обод қилиш, кутубхона, қироатхона қуриш ишларининг бориши билан ҳам танишди. Қурилиши

«Пудина Кувончбек» МЧЖ олиб борапти. Ҳадемай 3 гектардан ортқ майдонда дарахтзор — гулзор барпо этилади. Келгусида улуг зотнинг асарлари таржима қилиниб, ундан халқимиз баҳраманд бўларди.

Ихлос-халос, дейдилар, — дея юрагиданини тўкиб солади «Бахт» фермер хўжалиғи раиси, ҲХДПдан Қарши туман Кенгаши депутати Иброҳим Холлиёров. — Тўқсонинчи йилларнинг бошидан Насафий бобомизнинг тарихи ва таълимоти йиғилиб Шомурод Шаропов билан бирга ўрганиб, шу кунгача 3 китоб чоп эттирдик. Бугун улуг алломанинг мангу манзили обод қилинаётганидан, асарларини халқимизга етказиш учун жон куйдириляётганидан қалбимиз фахр-ифтихорга тўлмоқда.

Шу кун зиёратгоҳни кўздан кечирган Юртбошимиз хўжалиғимизга келди, — дедим, — этакда, — Иброҳим Холлиёров. — Хўш, нимага эришишга мумкин? Чорвачилик йўналишида ривожланиаяпти, гўшт ва сутни қайта ишлаш кичик корхоналаримиз бор. Яна 1 гектар майдонда бақилхона барпо этдик. Хўп, яна 1000 бош парранда, 100 бош қўй, 33 бош от, 18 бош туя парвариш қилаяпмиз. Ўтган йили Германиядан яна «Англер» зотли сермахсул 32 бош қорамол сотиб олдик. Қўён боқаяпмиз, 90 сотих жойда иссиқхонамиз бор. Яна 1 гектар ерда замонавий янги иссиқхона қурмоқчимиз. Бу йил 10 гектар ерга ковун экиб, Россия давлатига экспорт қилмоқчимиз. Ҳозир 107 киши меҳнат қилаяпти. Бу йил четга отланган 4 нафар ёш йигитни қайтариб, иш билан таъминладик. Ҳали орзуларимиз кўп. Ана шулар ҳақида Президентимизга гапириб бердим.

Шу кун Давлатимиз раҳбари Қарши туманидаги Хонобод қишлоғида жойлашган ҳарбий қисмда бўлиб, учувчилар билан суҳбатлашди. Ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш, уларнинг жангвор тайёрлиқларини тақомиллаштириш юзасидан вазифалар белгиладим.

Президентимиз ташаббуси билан Қарши шаҳрида Қуркам хиббон барпо этилди ва Абдулла Орипов номидаги иттиҳослашган мактаб ўтган йил сентябрда 142 нафар истеъдодли ёш қабул қилиб олди. Мактабнинг 50 ўрилли ётоқхонаси, ёпиқ сузиш басеини бор, шoirга бағишлаб музей ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари мактабга ташриф буюриб, ана шу намунали шароит, замонавий жиҳозланган синфхоналар билан танишиб, ёшлар фикри, ижод намуналарини тинглади. Вақти келиб, улар орасидан улуг ижодкорлар етишиб чиқшига ишонч билдирди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятида бўлиши, воҳа аҳолисининг кунча-кунча, ғайратига-ғайрат қўшди. Қашқадарёликларни юксак марралар сари илҳомлантирди.

Юносу УЗОКОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Ўзбекистоннинг инновацион тараққиёт дастури

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда деярли ҳар кун улкан янгилик ва ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, тараққиётимиз суръатлари нақадар тезлашиб, уларнинг натижадорлиги кўб бораётганини кўрсатади. Энг муҳими, бундай кенг қўламли ислохот ва янгиликлар аниқ мақсадга — мамлакатимиз ривожини янги bosқичга олиб чиқиш, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгани билан беқийс аҳамиятга эгадир.



Қаландар АБДУРАҲМОВ, академик

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Шайхитас Мурожаатномасида 2018 йил мамлакатимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўлаб-қувватлаш йили, деб эълон қилинди ҳамда бу борадаги стратегик мақсад ва вазифалар аниқ белгилаб олинди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 январда қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини» «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўлаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга доир Давлат дастури тўғрисидаги фармони билан 2018 йилга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланди.

Мазкур дастурнинг маъно-мазмунини билан танишар эканмиз, аввало у ҳаётимизнинг барча соҳаларини янги гоғлар, туб демократик ўзгаришлар асосида янги bosқичга кўтаришга қаратилган, том маънода инновацион тараққиёт дастури эканига ишонч ҳосил қиламиз. Аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилиниб, улардан тушган 4 минг 400 тақлиф ва мулоҳазалар асосида қайта ишланиб, тақомиллаштирилган мазкур дастур 5 бўлимдан иборат. Йил давомида дастур доирасида 37 қонун, 142 норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш, турли соҳаларни қамраб оладиган 52 амалий чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Ана шу чора-тадбирлар юртимизда яшаётган оддий инсонлар, тадбиркорлар, бошқа соҳа вакиллари учун шу қадар улкан аҳамиятга эгаки, уларни том маънода тарихий аҳамиятга эга ўзгаришлар, дейиш мумкин. Масалан, вақтинча ёки доимий пропискиси бўлмаган ёхуд турар жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга олишга оид тақлиқ бекор қилиниши кўзда тутилган — бу қанча-қанча одамлар, айниқса, ёшларнинг юрак дарди, орзуси эди. Ушбу норма фуқароларимизга мамлакатимизнинг истаган ҳудудида, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга жойлашишда ҳеч қандай чекловларсиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини бериши фармон шарҳида алоҳида таъкидланган.

Айтиш керакки, бундай ўзгариш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маънавий жиҳатдан ҳар бир ватандошимизга жуда катта имкониятлар беради.

Биринчидан, мамлакатимизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ишчи кучининг эркин ҳаракатланиши, меҳнат бозорига барча фуқароларимиз учун тенг имкониятлар таъминланиб, уларнинг қаердан келгани ва қаерда ҳисобда туриши эмас, балки профессионал малакаси, меҳнатга лойиқлиги, иш тажрибаси каби муҳим кўрсаткичлар етатки ўринга чиқди.

Яширишининг хоҳати йўқ, илгари ана шундай эркин ҳаракатланиш имкониятининг йўқлиги

туфайли истеъдодли, билимли ва малакали кадрлар вилоятларда, қишлоқларда қолиб кетар эди. Улар пойтахтга келиб, бу ердаги меҳнатга, профессионал малака ва тажрибага юксак талаблар қўйиладиган ва шунга яраша иш, фаолият тақлиф этиладиган муҳитда ўзини намоён қила олмас, замонавий кадр сифатида шакллана олмас эди. Албатта, замонавий кадр, ўз ишининг ҳақиқий устаси, профессионал касб эгаси бўлмасдан туриб етук шахс бўлиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши қийин. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Иккинчидан, шахснинг яшаш ва меҳнат қилиш имкониятлари фақат маълум бир ҳудуд доирасида кенгайтирилиши юртдошларимизнинг вилоятдан пойтахтга келганида ўзини тўлақонли эркин фуқаро деб ҳис этишига ҳалақит беради. Эркин ва озод ҳаётнинг энг муҳим шартини бўлган мамлакатимизнинг хоҳлаш ҳудудида бориб эркин ишлаш ва яшаш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятлари чекланган эди. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўлаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга доир Давлат дастурида белгилаган мазкур ўзгаришлар ҳар бир фуқаро ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, янги даврни бошлаб беради. Фуқаролар

ҳақидаги манбалар ҳам бугунги замон, тараққиёт талабларига жавоб беролмасдан қолмоқда. Буни инкор этиб бўлмади. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда турли баҳаларда фаол қўлланаётган, биз учун мулақо янги ижтимоий ҳодиса бўлган инновацион тараққиёт билан боғлиқ янги-янги тушунчалар, ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Венчур фондлар ҳам шулар жумласидандир. Бунда тадбиркорлар, бизнес тузилмалари ҳисдорлик асосида, таваккал қилиб истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда ўз маблағлари билан иштирок этади. Старт лойиҳаларда эса янги бизнес гоғни амалга ошириши бошлаш учун бошқаларни жалб этиш, қизиқтириш муҳим ўрин тутди. Дастурда ана шундай инновацион аниқликларни амалга ошириш бўйича рағбатлантирувчи механизмлар, солиқ имтиёзлари жорий этиш кўзда тутилган иқтисодиёти-мизда илгор гоғлар, «smart» технологиялар ва нау-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига bosқичма-bosқич ўтиш имконини беради.

Маълумки, ҳозирги тараққиёт даврида тадбиркорлик ва туризм соҳаси иқтисодиётнинг энг муҳим ва истиқболли тармоқларига айланиб бормоқда. Президентимиз фармони асосида тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалиқ фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатта мораторий эълон қилингани бу ҳам инқилобий йил ўзгаришидир.

Шу вақтга қадар тадбиркорлар ўз ишини қандай ривожлантириш, қандай янгиликларни жорий этиш, жамиятга қандай фой-

Дастурда ўз аксини тошган «венчур фондлар», «венчур молиялаштириш», «старт лойиҳалар», «рақамли банкинг», «интернет банкинг» каби иборалар изоҳи мустақиллик йилларида чоп этилган «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да ҳам, бундан 10-15 йиллар олдин Россияда чиқарилган «Новый энциклопедический словарь» каби нуфузли нашрларда ҳам учрамайди.

ҳаётидаги янги давр — бу бутун мамлакат ҳаётидаги янги давр эканини тушуниш албатта қийин эмас.

Дастурнинг учинчи йўналиши — иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўлаб-қувватлашга бағишланган бўлимда белгилаган чора-тадбирлар замонага ҳамоҳанглиги, маъно-мазмунини, қўлами ва миқёси билан кишини янада ҳайратга солади. Мен иқтисодчи олим сифатида узок тузилмалар ўз фаолиятини қандай қилиб инновацион асосда ташкил этиш, ривожлантириш, илм-фан ютуқларини жорий қилиб, ўз махсулотини, хизматларини сифатини ошириш ҳақида ўйлаш, ортиқча маблағини шундай мақсадларга сарфлаш бўйича жуда катта имкониятларга эга бўлмоқда.

Умуман, дастурнинг қайси бир йўналиши ёки бандини олиб қарамайлик, уларнинг барчасида замонавий инновацион янгилик ва технологияларни қўлаб-қувватлаш бўлиб турганини кўраемиз. Дастур доирасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун 13,5 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ долларини йўналтириш назарда тутилмоқда. Янги шунча маблағ ёғур келажакимиз бўлган инновацион ривожланиш учун сарфланмоқда.

Дунё иқтисодиётларининг «Энг яхши сармоя — келажакка қўйилган сармоя» деган, амалда қўлаб мисолларда ўз тасдиғини топиб келаятган ҳикматли сўзи бор. Бугунги кунда мамлакатимиз шундай кенг қўламли дастур асосида бутун куч ва имкониятларини буюк келажакимиз йўлида сафарбар этаётган экан, бу жараёнда фаол иштирок этиш, инновацион фикрлаш, инновацион ташаббус ва ҳаракатлар билан уни янада маълумли қилиш ва тўлиқ амалга ошириш учун муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.



Наманган давлат университети ўқитувчиси Аҳмадхон Жўраев икки йил олдин талабаларга инглиз тилидан дарс бериш учун Япониядаги олий таълим муассасаларидан бирига таклиф этилган эди. Унинг фарзанди Маҳмудхон Токиода инглиз тилидан 34-маротаба ўтказилган олимпиадада нотиклик санъати бўйича қатнашиб, 47 нафар иштирокчи орасидан 2-ўринга лойиқ кўрилди.

Олти тилда гаплашадиган ўқувчи

— Неварамнинг ютуғидан фахрланиб, қувончим чимга сиймайти, — дейди Чуст туманидаги Дўстлик маҳалласида яшовчи Жўраҳон Фузалов. — Ўғлим Аҳмадхон неварам Маҳмудхон билан болалигидан инглиз тилида гаплашарди, унга немис, форс, рус тилларини ҳам ўргатган. Ҳозир у Кобе шаҳридаги академик лицейда инглиз тилида тахсил оляпти, шу билан бирга, япон тилида ҳам бемалол гаплашади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БУЊЁДКОРЛИК

Кўп қаватли уйнинг ҳар бир қаватида боғ яратиш мумкин

Навоий шаҳрида барпо этилган 7 қаватли «Garden House» уйлар мажмуасида қурилиш ишлари якунланди. Бу уйларнинг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир қаватда кичик боғ ташкил этиб, мевали ва цитрус кўчатлари етиштириш имконияти мавжуд.

«Навоий комфорт қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 270 хонадонга мўлжаллаб бунёд этилган турар жой биносининг ертўласида болалар учун турли аттракционлар ўрнатилган, кўнгилочар ўйинлар зали фаолият кўрсатмоқда. Биринчи қаватда оилавий ошхона, боулинг зали ва дўконлар жойлашган. Юқори тезликдаги интернет тармоғи аҳоли учун қулайлик яратди.

— Биноларнинг иситиш тизими марказлаштирилган бўлиб, энг замонавий қозонлар билан жиҳозланган, — дейди «Навоий комфорт қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари Шухрат Тиллаев. — Мажмуанинг хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хонадонларга намунали хизмат кўрсатади. 7 қаватли бионинг ҳар бир қаватидаги кичик айвонда аҳоли дам олиши ҳамда пана навли дарахт кўчатларини парваришлари учун кичик боғ майдони ажратилган. Бу инсонга ўзгача завқ бағишлайди. 7-қаватда кичик меҳмонхона жойлашган. Мажмуа ҳовлиси ўралган бўлиб, махсус қўриқлаш хизмати йўлга қўйилган. Болалар учун ёзги чўмилиш ҳавзаси, сунъий қопламали футбол ва волейбол майдонлари барпо этилмоқда. Бино олд қисмида мусиқали фаввора ўрнатилган.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА муҳбири.

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

чинакам тарбия маскани, фарзандларимиз келажаги учун ҳар томонлама мақбул ва ишончли даргоҳга айланади

Президентимиз томонидан 2017 йил 9 сентябрда имзоланган Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорга кўра, мактабгача таълим муассасаларида катта ўзгаришлар бошланди.

Бунга асосий сабаб — бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида кўплаб муаммоларнинг мавжудлиги ва умуман ушбу тизимнинг эскирганлигидир. Бу борада фаолият юритиб келган мутасадди вазириллар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим соҳасига ёндашуви қриқарсиз аҳволдалигидир. Мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг ҳозирги ҳолати болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермапти.

Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари тизими босқичма-босқич ҳам замонавий, ҳам шаклан янгилашни тақозо қилади.

Президентимиз томонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларда мактабгача таълим муассасалари тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор ҳамда унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳмадиси томонидан қабул қилинган Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор бу жараёни тезлаштиришга туртки бўлди.

2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, хусусан, шериклик асосида ҳаммабоп ва ҳамёноб мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, МТМлар фаолиятини яхшилаш, уларга методик қўмак бериш каби кенг қўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.



Давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг таъминоти давлат бюджетлари маблағлари, нодавлат таълим муассасаларида эса сарф-харажатлар муассасис ҳисобидан амалга оширилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари болаларга таълим-тарбия беришда бир хил мақсад ва вазифаларни бажаради.

Мактабгача таълим тизими-ча сифатли хизмат кўрсатиш, болаларнинг интеллектуал ва жисмоний ривожланишини тўғри ташкил этиш, болаларни мактаб таълимга тайёрлаш талабларини шарт-шароити бўлмаган, мослашган биноларда жойлашган муассасаларда, айниқса, қишлоқ боғчаларида бажариш мушкул. Эндиликда бу камчиликлар бартараф этилиб, янги қиёфага қираётган мактабгача таълим муассасалари замонавий меъёри ва ўқув жиҳозлари, ўйинчоқлар, болалар учун адабиётлар билан таъминланмоқда.

Қарорга биноан, давлат, нодавлат мактабгача таълим муассасаси, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг соғлом ва хавфсиз овқатланишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Шунингдек, давлат мактабгача таълим муассасаларида нутқи, эшитиши ва кўришида енгил нуқсонлари бўлган болаларга хизмат кўрсатиш

ўчун дефектолог штат бирлиги жорий этилди. Психик ривожланишида нуқсонлари бўлган ўғил-қизларни жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасаларидан ташқари бошқа давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Қарорда жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасалари раҳбар, педагог ва тиббий ходимларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкалари 100 фоиз миқдорда қўшимча тўлов сақлаб қолинганлиги кўрсатилган. Таълим-тарбия жараёни ва муассасанинг иш тартиби, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг давлат бюджет ҳисобидан малака оширишларининг ташкил этилиши, болаларни қабул қилиш тартиби, чин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қабул қилишда берилган имтиёзлар, гуруҳлардаги болалар сонининг минимал ва максимал меъёрлари, муассасаларни молиялаштириш манбаларининг аниқлаштирилиши, кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш ёшининг ўзгарилиши, тарбияланувчиларнинг соғлом

овқатланишини ташкил этишнинг янги механизмларини жорий этиш назарда тутилганлиги эътиборга сазовордир.

Мактабгача таълим беришнинг сифатини ошириш ва болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари жорий этиш орқали таълим-тарбия жараёни янада такомиллаштирилади. Қисқа муддатли гуруҳлар сонини кўпайтириш натижасида ҳар йили 5-6 ёшдаги 3950 нафар болани мактаб таълимга тайёрлаш учун шариқ яратилади. Қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг муассасада бўлиш вақтини қисқартириш бадал тўловлари 30 фоизга камайтирилади. Мактабгача ёшдаги болаларни қабул қилиш ёшининг 2 ёшдан 3 ёшга ўзгарилиши билан болаларни мактабгача таълимга қамрови 1,5 баробарга оширилади. Бу эса ҳар томонлама соғлом ва барқамол болани ўлғайтириш мақсадига эришишга замин яратди.

Мактабгача таълим вазирилик томонидан муассасаларга тайёр ва ярим тайёр озиқ-овқатларни етказиш тизими қайта қўриб чиқилмоқда. Бу жараёнда узлуқсизлиқни, белгиланган стандарт ва сифатни таъминлашга катта эътибор қаратилади. Шу боис соҳага тадбиркорлар ҳам жалб қилинади. Мутахассислар озиқ-овқатларнинг фойдали элементларга бойлигини, шифокорлар эса болаларнинг ўсиш суръатларини кузатиб боради.

Қарор асосида соҳада давлат-хусусий шериклик механизмлари илк бор жорий этилиб, бунда хусусий секторлар солиқ бож тўловларида, узоқ муддатли ва мақбул шартларда кредитлар олиш каби қатор имтиёزلарга эга бўлади. Бундай савий-харажатлар тўғрисидаги мақбул шартларда ҳаммабоп нархлар таъминланади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг белгиланган талабларга тўла жавоб бериши вилот мактабгача таълим бошқармаси томонидан назорат қилинади, тегишли меъёрлар бозор ҳолатларида қонуний чоралар кўрилади. Қолаверса, хусусий болалар боғчаларидаги алоҳида қулайликлар, намунали жиҳатлар ўзлаштирилиб, ўзаро тажриба алмашилади.

Болалар боғчаларида ота-оналарнинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олиб, 3-4 соатлик кичик гуруҳлар ташкил этилади. Муассасаларда давлат тили билан бир қаторда рус тили ва инглиз тилларини ўргатиш самарадорлиги оширилади. Бундан ташқари, тарбиячи ва болалар учун янги ўқув-методик ҳамда дидактик адабиётлар нашр этилади. Мактабгача таълим муассасаларига малакали шифокорлар, дори-дармон ва тиббий ёруймлари, санитария-гигиена воситалари ажратилади. Таълим муассасалари босқичма-босқич замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва зарур техника воситалари билан таъминланади. Шунингдек, ота-оналарнинг муассаса фаолиятини қай даражада қиққаётгани, уларнинг талаб ва истакларини аниқлаштириш учун анонимик тарзда сўровномалар олинди.

Муктасар айтганда, мактабгача таълим муассасаси чинакам тарбия маскани, фарзандларимиз келажаги учун ҳар томонлама мақбул ва ишончли даргоҳга айланади. Бундай замонавий тизим болаларни тўлиқ қамраб олиш, уларни интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан барқамол қилиб вояга етказиш имконини беради.

Шоиета СОДИҚОВА,
Низомий номидаги ТДПУ мактабгача таълим методикаси кафедраси доценти.

ФУТБОЛ



«Насаф» уйинни давом эттиради, «Пахтакор» эса...

Қитъамизнинг саккизта шахрида Осиё чемпионлар лигасининг саралаш уйинлари бўлиб ўтди. Мазкур учрашувларда мамлакатимизнинг икки клуби — «Насаф» ҳамда «Пахтакор» жамоалари ҳам иштирок этди.

Дастлаб, «Насаф» Қарши шаҳридаги «Марказий» стадионда Иорданиянинг «Ал-Файсали» жамоаси билан ўйнади. Унда «Насаф» футболчилари 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

«Насаф» энди Осиё чемпионлар лигасининг «С» гуруҳидаги уйинларда иштирок этади. Ушбу гуруҳдан «Персеполис» (Эрон), «Ал-Садд» (Қатар) ҳамда «Ал-Васл» (БАА) жамоалари ўрин олган.

— Уйинда омад биз томонда бўлди, — дейди «Насаф» клуби бош мураббийи Рўзқул Бердиев. — Рақибимизни ўрганиш жараёнида улар кўпроқ стандарт вазиятлардан гол ўтказиб юборишига амин бўлдик. Учрашувдан олдин футболчиларимизга шунинг эътибори олишларини айтгандик. Натижада дастлабки икки голимиз ҳам стандарт вазиятлардан киритилди ва деярли уйин тақдирини ҳал қилди.

Мамлакатимизнинг яна бир жамоаси «Пахтакор» Қатарда «Ал-Гарфа» меҳмони бўлди. Учрашувда 2:1 ҳисоби қайд этилиб, катарликларнинг ғалабаси билан тугади. 21-дақиқада Уэсли Снейдер пенальтини аниқ бажариб, мезбонларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. 28-дақиқада рақиб футболчиси Диого Амадо гол киритди — 2:0. Ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда Жасур Ҳажимов орадаги фарқни қисқартирди — 2:1. Мазкур мағлубият натижасида «Пахтакор» Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига чиқа олмади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА



ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Muslihiddin Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV
Saidkamol XODJAYEV Ochilboy RAMATOV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

A — 238. 14184 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 23:15.
Topshirilgan vaqti — 00:30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDYOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
7201076308
Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.
1 2 3 4 5 6